

РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Холиқова Рухсора Санжаровна,
ТДИУ магистранти

E-mail: rxoliqova@bk.ru

Аннотация: Мақолада инновацион жараёнларнинг назарий асослари, реал сектор корхоналари фаолиятида инновацион ривожланишнинг истиқболли йўналишлари ёритилган. Шунингдек реал сектор корхоналарида инновацион инфратузилмани ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Аннотация: В данной статье рассматриваются теоретические основы инновационных процессов, описываются перспективы инновационного развития в деятельности предприятий реального сектора. А также на основе всестороннего анализа имеющихся подходов выявлены некоторые проблемы формирования инновационной инфраструктуры и разработаны предложения по развитию и совершенствованию инновационных систем предприятий.

Abstract: The article examines the issues of sustainable development of real sector enterprises based on the implementation of innovative technologies. In particular, the statistical indicators of the achieved results in this area are analyzed, the definitions of innovation activity and its specificity are given. The article also identifies problems in the sphere of innovative development and gives some recommendations for the rational organization of them in real sector.

Калит сўзлар: реал сектор, инновация, инновацион технология, инновацион инфратузилма, кластер.

Кириш

Бугунги кунда шиддатли рақобат шароитида жаҳон бозори талабларини таъминлаш, ишлаб чиқариш жараёнида юқори самарадорликка эришиш, сифатли ва рақобатбардош товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва бунинг натижасида иқтисодий юксалишга интеллектуал капитал яъни инновацияларсиз эришиб бўлмайди.

Мамлакатимизда ўтказилаётган демократик бозор ислохотлари ва Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясини диққат марказида турган энг муҳим устувор вазифалардан бири – миллий иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш саналади[1]. Жумладан, мамлакатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ўз нутқларида инновациялар ва инновацион ривожланиш хусусида кўп маротаба тўхталиб ўтдилар: “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади.

Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”[2].

Бугунги кунда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, барча ресурслардан тежамли фойдаланиш ва бунинг натижасида ички ҳамда ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кенгайтириш аввало корхоналарнинг инновацион салоҳиятини бошқариш, инновацион технологияларни самарали қўллаш ва такомиллаштириш жараёнларига бевосита боғлиқ.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда илғор технологиялар билан жиҳозланган ва хомашё ресурсларимизни чуқур қайта ишлашни, экспорт салоҳиятини кўпайтиришни таъминловчи, янги иш жойларини ташкил қилувчи юқори технологик ишлаб чиқаришларни яратишга қаратилган инновацияларга эътибор қаратилмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Мамлакатимиз қонунчилигининг бир қатор норматив ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари. Ўзбекистон Республикаси Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланган.

Иқтисодиётда инновация ва инновацион фаолият соҳасидаги муносабатлар бир қатор жаҳон олимлари ва мутахассислари томонидан тадқиқ этилган бўлиб, бу борада хорижий давлатлар тадқиқотчилари, юртимиз олимларининг ҳиссасини келтиришимиз мумкин. Инновацион фаолиятнинг назарий-услубий асослари иқтисодчи олимлар томонидан атрофлича ўрганилган. Инновациялар назариясини ишлаб чиқишда яъни технологик босқичларнинг эволюцияси билан боғлиқ муаммоларни биринчи марта рус олими Н.Д. Кондратьев[3] ўзининг узун тўлқинлар назариясида илгари сурган. Унинг фикрларини кейинчалик австриялик олим Й. Шумпетер[4] ривожлантирган. Инновациялар ва улар борасидаги тадқиқотлар турли давр олимлари назарий қарашларида турлича ифодаланиб келган. Иқтисодчи олимлар орасида “инновациялар отаси “Godfather of innovation” номи билан шўхрат қозонган XX асрнинг биринчи ярми иқтисодчиси асли австриялик Ё.А.Шумпетер (1883-1950) илк бора инновацияларга техник тараққиётга эришишнинг асосий қуроли сифатида қараб уларни корхоналар учун юқори фойда келтиришнинг ягона ва зарур воситаси эканлигини ўзининг кўп сонли тадқиқотларидан келиб чиқиб асослаб берди. Шумпетер “Иқтисодий ривожланиш назарияси” (Theory of economic development) номли машҳур асарида инновацион янгиланишларни беш тоифага бўлган. Ҳарб олимларидан дастлаб К.Фримен[5], П.Друкер[6], Б. Лундвалл, Р. Нельсон К.Ясперс, Б.Санто, Р.Форестер, М.Хайдеггерлар ўз асарларида иқтисодий тараққиётда инновацияларнинг муҳим куч эканлигини айтиб ўтганлар.

МДҲ ва рус тадқиқотчиларидан А.Бусигин, Ю.Швцов, Л.П.Гончаренко, В.А.Быков, Е.Г.Кирсанова, Е.В.Головацкий, В.А.Лопатин, Ю.В.Яковец, К.Н. Назина, И.В. Бестужева-Лады сингари олимларнинг нашрлари соҳа жадаллашувида муҳим туртки бўлди.

Миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда иқтисодиёт тармоқларида, хусусан, реал сектор корхоналарида инновацион салоҳиятни ривожлантиришнинг илмий-назарий ва методологик асослари Ўзбекистон иқтисодчи олимлари С.С.Гулямов, А.Э.Ишмухамедов, Х.М.Абдусаттарова, А.Ш.Бекмуратов, М.Саидов[7],

А.Ортиқов, Б.Абдуллаев, Н.М.Расулов[8], Ш.И.Мустафакулов ва бошқалар томонидан олиб борилган изланишларда ёритилган.

Фикримизча, «инновация» янгича ғоя, ишлаб чиқаришга татбиқ этилган янгича ёндашув, янги технология ва ишлаб чиқарилган янги маҳсулот, бошқарувдаги янгича усул, умуман, барча жабҳалардаги янги ислохотлардир. Бунда инновация нафақат сўнгги янгилик, балки ҳаётга татбиқ этилган, жамият аъзоларига иқтисодий ва ижтимоий наф келтирувчи восита бўлиши керак.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот ишида тизимли ва омили таҳлил, таққослама таҳлил, статистик гуруҳлаш, индуктив ва дедуктив, монографик кузатиш ҳамда бошқа услублардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Халқаро стандартларга мувофиқ инновация бозорга татбиқ этилган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот ёки амалий фаолиятда фойдаланилаётган илғор технологик жараён ёки инсонлар турмуш шароитини яхшилаш, янгича ёндашиш кўринишида рўёбга чиққан инновацион фаолиятнинг якуний натижаси сифатида белгиланади.

Инновацион ривожланиш ҳақида фикр юритар эканмиз, уни белгиловчи кўрсаткичлар ҳақида билиш муҳим аҳамиятга эга (жадвал).

Жадвал

2017-2020 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари


Кўрсаткичлар % да	2017 йил	Прогноз кўрсаткичлар (2017-2020 й.)
Илмий тадқиқотларга йўналтирилган харажатларнинг ЯИМ даги улуши	1.0	3.0
Юқори технологияли тармоқларнинг ЯИМ даги улуши	15.0	31.0
Инновацион маҳсулотларнинг ЯИМ даги улуши	15.0	22.0
Инновацион фаолиятга йўналтирилган харажатларнинг улуши (маҳсулот умумий қийматида)	2.8	5.0
Экспорт таркибида инновацион маҳсулотлар улуши	15.0	28.0
Аниқ фанлар ва инженерлик мутахассислигига талабаларни қабул қилиш	40.0	45.0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, яқин келажакда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини инновацион ривожлантириш мақсадида бир қатор йўналишлар танлаб олинган. Жумладан, инновацион маҳсулотларнинг ЯИМ даги улуши 2017 йилда 15 % ни ташкил этган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткични 22 % га етказиш режалаштирилган. Инновацион фаолиятга йўналтирилган харажатларнинг маҳсулот умумий қийматидаги улуши 2017 йилда 2.8 % дан 2020 йилда 5 % га етказиш кўзда тутилган.

Инновацион технологиялар доирасидаги илмий ёндашувлар шуни кўрсатадики, бирор тизим ёки корхонанинг ҳар жиҳатдан ривожланиши улардаги мустаҳкам инновацион тизим мавжудлиги билан белгиланади. Реал сектор корхоналарини тадқиқ этар эканмиз, уларнинг ўз имкониятларидан самарали

фойдаланаётганликларини гувоҳи бўламиз. Қуйидаги графикда Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича 2016 йилда инновацион технологиялар жорий қилган ташкилотлар ва инновациялар сони келтирилган[9] (расм).



Расм. Инновацион технологиялар жорий қилган ташкилотлар ва инновациялар сони (2016 йил)

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти маълумотлари.

Расмдан кўришимиз мумкинки, республика бўйича 2016 йилда ҳар бир инновацион фаол ташкилот ўртача 2 тадан инновация жорий қилди. Жумладан ҳар бир инновацион фаол ташкилотга Андижон, Фарғона вилоятлари, Тошкент шаҳрида ўртача 3 тадан инновация, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент вилоятларида ўртача 2 тадан инновация, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида ўртача 1 тадан инновация жорий қилинган.

Албатта юқоридаги рақамлардан реал сектор корхоналари инновацион фаолияти соҳасидаги ижобий ҳолатни кўришимиз мумкин. Аммо таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, ҳозирда реал сектор корхоналари олдида бир қанча муаммолар кўндаланг турмоқда:

- инновацион салоҳиятнинг пастлиги;
- ушбу фаолиятни кенгайтириш учун корхоналар ички маблағларининг етишмаслиги;
- иқтисодий рискларнинг юқорилиги ва қопланиш муддатларининг узоқлиги;
- ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг узоқ муддатли йўналишларини кўра олмаслик.

Мамлакат иқтисодиёти ва корхоналарда инновацион жараёнларни тизимли шакллантиришга тааллуқли муаммоларни ҳал этишга уринган олимларнинг илмий ишларини ўрганиш шуни кўрсатадики, инновацион фаолиятнинг самарадорлиги, биринчи навбатда, молиявий ресурслар билан таъминланганлик даражасига боғлиқ. Инновацион фаолият негизида ётган иқтисодий муаммоларни ҳал этиш учун эса ишлаб чиқариш жараёнининг барча иштирокчилари: ишлаб чиқарувчи кучлар, илмий-тадқиқот олиб боровчи муассасалар ва молия институтлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ривожланишини талаб этади.

Инновацион фаолиятни ривожлантириш борасидаги илмий ёндашувларнинг таҳлили, илғор хорижий тажрибалар ҳамда мазкур соҳага оид кўплаб иқтисодий

адабиётларда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, унинг ташқи бозордаги рақобатбардошлиги бу соҳага қаратилган эътибор, шарт-шароитлар бошқа сўз билан айтганда ривожланган инновацион-технологик инфратузилма мавжудлиги орқали таъминланиши илмий асосланган.

Инновацион фаолиятни ўрганувчи мутахассисларнинг фикрича, инновацион инфратузилма қўйилган инновацион мақсадларга эришишни таъминловчи вазифаларни бажариш учун алоқадор хўжалик юритувчи субъектлар томонидан инновацион ғоялар, лойиҳалар, амалий, фундаментал тадқиқотлар ҳамда инновацион таълим дастурларини амалга ошириш бўйича махсус муассасалар фаолиятidir[10].

Кейинги йилларда мамлакатимизда халқаро амалиётда синалган ва иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этувчи бозор муносабатлари ва тажрибаларини ҳаётга татбиқ этишга катта эътибор қаратилмоқда. Шулардан бири кластерлар бўлиб, ҳозирда иқтисодиётимизнинг тўқимачилик ва енгил саноат соҳасида ушбу тузилма фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Кўпгина манбаларда ривожланган давлатларнинг тажрибалари тадқиқ этилиб, барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда, инвестицион фаолликни оширишда, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришда халқаро логистика марказлари, эркин иқтисодий зоналар билан бир қаторда кластерларнинг ҳам ўрни ва аҳамияти юқори эканлиги кўрсатилган. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва бошқаришда зарур инфратузилма - кластерлардан фойдаланиш бўйича маълум тажриба тўпланган.

Ушбу соҳанинг асосчиларидан бири сифатида Гарвард бизнес мактабининг профессори Майкл Портер тилга олинади. Унинг фикрига кўра, ривожланган ва ривожланаётган соҳа ёки тармоқлар айнан кластерни татбиқ этиш ёки унинг баъзи бир элементларидан фойдаланиш орқали юқори натижаларга эришган. Жами 9 та мамлакатда 100 дан ортиқ тармоқларни таҳлил қилган олим шундай хулосага келадики, юқори рақобатбардошликка эга бўлган трансмиллий компанияларнинг ривожланиши бир нечта давлатларга бўлиниб кетган ташкилотларнинг мустақил ҳаракат қилиши орқали эмас, балки тизимли равишда битта давлат ёки битта минтақага концентрациялашуви орқали эришган[11]. Шундан бошлаб, ушбу соҳага нафақат давлат бошқарувчилари, балки илмий-тадқиқот соҳаси билан шуғулланувчиларнинг ҳам қизиқиши орта бошлади.

Албатта бугунги кунда иқтисодиётимиз олдида турган муҳим вазифа бу хомашёга асосланган ишлаб чиқаришдан инновацион ишлаб чиқаришга босқичма-босқич ўтиш ҳисобланади. Бунинг учун зарур инновацион муҳит, илмий-техник тараққиёт ютуқларидан фойдаланиш имкониятини берувчи тузилмалар яратиш зарур. Замонавий иқтисодий тараққиётнинг муҳим шарти ҳам хўжалик юритишнинг кластер моделини яратиш ҳисобланади.

Фикримизча инновацион кластерлар ташкил этишнинг бир қанча афзалликлари мавжуд:

- Географик жиҳатдан бир-бирига яқин жойлашган объектларда маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги ортади. Негаки ташиш харажатлари камаяди, жараёндаги ўзилишлар бартараф этилади;

- Инновацион кластерлар иқтисодий ўзгаришларга нисбатан мослашувчанлиги билан ажралиб туради;

- Янги ташкил этилган корхоналар учун қулай бизнес инкубатор вазифасини ўтайди, инновацион технологияларни самарали қўллаш имконини беради;
- Кластер жойлашган ҳудуд инфратузилмаси яхшиланади;
- Аҳолининг иш билан таъминланиш муаммосига ечим топилади.

Хулоса ва таклифлар

Юқорида фикрлардан келиб чиқиб, реал сектор корхоналарида инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш ва инновацияларни яратишда, уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш жараёнини янада такомиллаштириш масалалари бўйича қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- корхоналарда асосий эътиборни мавжуд илмий салоҳиятини ривожлантириш, улардан самарали фойдаланган ҳолда инновацияларни яратиш ва ишлаб чиқаришни жорий этишга қаратиш;
- корхоналар ҳамда шу соҳадаги илмий-тадқиқот муассасалар билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш;
- корхоналардаги лабораторияларни техник жиҳатдан тубдан янгилаш чора-тадбирларини амалга ошириш;
- корхоналарда инновацион маҳсулот яратувчи ихтирочиларга имконият яратиш, уларни моддий рағбатлантириш.

Фикримизча, кластерлар бугунги инновацион жараёнларнинг локомотиви ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг кластер модели инновацион иқтисодиётга ўтишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Негаки илмий-техник ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт янги билимлар ва хўжалик юритишнинг янги шакллари яратишни талаб этади. Ўзаро интеграциялашган тармоқлар кластерини яратиш ҳудудлардаги саноат потенциалини тез суръатлар билан ўсишига олиб келади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, реал сектор корхоналарида инновацион жараёнларга эътиборсиз қаралса, ҳар дақиқада инновацион технологиялардан унумли фойдаланиш тўғрисида бош қотирилмаса, оқибатда корхона менежери ва тадбиркор қаршисида инноватор рақобатчилар томонидан бозордан сиқиб чиқарилиш, тараққиётдан орқада қолиш хавфини вужудга келтиради. Нега деганда бизга маълум бўлган бозор иқтисодиёти доимий равишда янгиланиб боришни, ўз устида тинимсиз ишлашни талаб этади. Иқтисодиётнинг реал сектор тармоғига янги инновацион технологияларни жорий этмасдан, маҳсулот ва хизматларни диверсификацияламасдан ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилмасдан туриб жаҳон бозорида кучли рақобат мавжуд бўлган ҳозирги шароитда ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизга эга бўлишимиз мумкин эмас. Бу йўналишларни амалга оширишда ташкилотлар кўпроқ инновацияларни жорий этишлари зарур деб ҳисоблаймиз.

Шундай экан бугунги кунда инновацион технологиялар энг муҳим стратегик ресурс ҳисобланади. Чунки саноат ва молиявий технологияларнинг амалиётга жорий этилиши корхоналарда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланиши, интеллектуал салоҳиятнинг ошиши, экспортга йўналтирилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши ҳамда мамлакатда валюта захираларининг жамғарилиши каби иқтисодий масалаларнинг ижобий ҳал этилишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармони, 3.2 банди. <http://www.press-service.uz>

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 23 декабрь 2017 йил.
3. Кондратьев Н. Д., Опарин Д. И. Большие циклы конъюнктуры: Доклады и их обсуждение в Институте экономики. 1-е изд. - М., 1928. — 287 с.
4. Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: - Прогресс, 1982. .386 с.
5. Freeman,С. (1995), “The National System of Innovation in Historical Perspective”, Cambridge Journal of Economics, No. 19, pp. 5–24
6. Drucker,P.F.2007,Management: tasks, responsibilities, practices,//Transaction Publishers, New Brunswick,N.J.; London.
7. Саидов М.Ҳ. Олий таълим иқтисодиёти, инвестициялари ва маркетинги: Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2003 Б. 74.
8. Расулов Н.М. Ўзбекистонда инновацион фаолиятни ривожлантириш истиқболлари.// Бизнес-Эксперт илмий журнали. 2012 йил.
9. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти: <http://www.stat.uz>
10. Мухитдинов Х.Т. Инновацион салоҳият шаклланиши ва ривожланишини таҳлил қилишга институционал ёндашув // Иқтисодиёт ва молия. – Тошкент, 2012, 2-сон. 2-6–б.
11. Мустафакулов Ш.И. Кластерли ёндашув асосида ҳудудий инфратузилмани шакллантиришда устувор йўналишлари. //Biznes-Expert илмий журнали.: №9(105)-2016.